

# Фарзандингизни ҳасадгўйларга ем қилманг!



09:00 / 08.03.2023 4765

Аллоҳ таоло Юсуф сурасида шундай марҳамат қилади:

نَادِيكَ لَأُؤَدِّيكَ فِي وَجْهِ خَلْعِكَ أَيُّهَا صُورٌ قَتَّالِ نَبِيِّ لَأَق  
نَبِيِّمْ وَوَدَعْنَا نَسْنِ لَلِ نَطِّ شِلِّ

«У (Яъқуб алайҳиссалом): «Эй ўғилчам, тушингни акаларингга айтмагин. Яна улар сенга бирор ҳийла қилмасинлар. Албатта, шайтон инсонга очиқ-ойдин душмандир» (Юсуф сураси, 5-оят).

Оятдаги «ўғилчам» сўзига эътибор беринг! Бу сўз ота-онанинг ўғлига бўлган шафқатини англатади. Зеро, мазкур сўз арабларда меҳр-шафқат маъносида қўлланилади. Ўша вақтда Юсуф алайҳиссалом 12 ёшда бўлган (Мулла Али Қори раҳимаҳуллоҳ).

Ҳасад ва хиёнатнинг чангали шу даражада кенги, ҳатто ака-ука орасидаги ришталарни ҳам узишга қодир. *(Имом Мотуридий раҳимаҳуллоҳ).*

Ота: «Фарзандларим мендан ҳам яхшироқ яшаши керак», деган умид билан яшайди. Аммо ака-укалар бундай қилмайди. *(Имом Қуртубий раҳимаҳуллоҳ).*

Зеро, шайтон инсонларни ҳасад ва макр-ҳийла қилишга ундайди. Унинг тузоғига тушиб, фарзандингизни ҳалокатга улоқтирманг! *(Абул Баракот Насафий раҳимаҳуллоҳ).*

Ҳасадчи ва ҳийлакорлар ёмонлиги хавф солиб турганда неъматни яшириш жоиз. Зеро, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар: **«Ҳожатларингизни беркитиш орқали Аллоҳдан ёрдам сўранглар! Чунки ҳар бир неъмат соҳиби ҳасад қилингувчидир»** *(Имом Қуртубий раҳимаҳуллоҳ).*

Бугун мазкур илоҳий таълимот ва кўрсатмаларга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ муҳтожмиз. Зеро, интернет тармоғи ҳасадчиларнинг эътиборини тортишда мисли кўрилмаган имкониятга эга. Бундай ҳасадчилар назаридан фарзандларимизни асрашимиз лозим.

Мазкур оятда ҳатто тушни ҳаммага ошкор қилиш жоиз эмаслиги таъкидланган. Биз эса бутун фаолиятимиз, ҳаётимиз ва оиламизни интернет орқали дунёга ошкор этмоқдамиз!

Юқоридаги оятда неъмат ва яхшиликни ҳатто ака ёки укага ошкор этмаслик ҳақида сўз бормоқда! Биз эса етти ёт бегоналарга оиламиз, хусусан, фарзандларимизни кўз-кўз қилмоқдамиз!

Яъқуб алайҳиссаломдан ўрнак олайлик! Фарзандларимизни ёмон кўзлардан асрайлик! Ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимизга кўзларимиз қувончи бўлган фарзандларимизнинг суратини жойлашдан олдин юқоридаги оятни тафаккур қилайлик! Фарзандингизни ҳасадгўйларга ем қилманг!

Аллоҳим! Фарзандларимизни ёмон кўзлардан, ҳасадчиларнинг хиёнатидан асрагин!

**Абдуллоҳ Абдулмажид тайёрлади**